

# Мундарижа

## Нягоҳ

Равшан ИСАЕВ. Тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда асосий стратегик ёндашувлар 3

## Тажриба

Ойбек МАМАНАЗАРОВ, Дурдона ИНОЯТОВА, Равшан ХАЛИЛОВ. Қурилишда аутсорсингдан фойдаланиш 7

## Интеграция

Жасурбек АТАНИЯЗОВ, Набиддин МАННОНОВ. Тижорат банклари ва корхоналарнинг интеграциялашувини кучайтириш 10

## Малака

Наргиза МУМИНОВА. Тўқимачилик корхоналарида мнлай рейтингни аниқлаш методологияси 14

## Тадиққот

Салимбек ХОЛМУРАТОВ. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари ва харajatлари таҳлили 18

## Кластер

Гуачехра ХААМАТЖАНОВА. Минтақавий агросаноат кластерларини ривожлантиришнинг хорижий моделлари 21

## Тараққиёт

Туйғун ҚОДИРОВ, Барно КЕНЖАЕВА. Шаҳар жамоат транспортда рақамли технологиядан фойдаланишнинг асосий йўналишлари 24

## Ислохот

Илҳом ОЧИЛОВ, Норали ХОЛМАТОВ. Ўзбекистон иқтисодиётида логистика хизматлари ва маҳсулотлар экспорти самарадорлиги 27

## Янги ёндашув

Наргиза ИСАЕВА. Инновацион усуллар асосида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш йўллари 31

## Саноат

Нозима ГИЯЗОВА. Диагностика асосида тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш 34

## Иқтисодиёт

Азизжон ҚАҲҲОРОВ. Давлат активларини хусусийлаштириш методологияси ва уларнинг қийматини аниқлаш жараёнини тўғри ташкил этиш масалалари 37

## Янги технологиялар

Абдумавлон ЗОКИРОВ. Замоनावий ёндашувлар асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик режалаштиришни такомиллаштириш 43

## Жараён

Саломат НОРОВА. Рақамли иқтисодиёт шароитида минтақада иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятларини баҳолаш 46

## Ижтимоий ҳимоя

Шерзод РАББИМҚУЛОВ. Инвестиция лойиҳалари самарали ишлашида бизнес режанинг аҳамияти 50

## Сифат ва самара

Нилуфар ЭРНАЗАРОВА. Камбағалликни қисқарттириш ва оилавий тадбиркорликни ривожланишига таъсир этувчи омиллар 54

## Нуқтаи назар

Нафисахон ТОЖИБОЕВА. Пахта тозалаш корхоналари ходимларини ривожлантириш стратегиясининг ташкилий-иқтисодий моделини яратиш 58

## Маркетинг

Шерзод ХАЙИТОВ. Тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор ривожланиш механизмини шакллантириш услубини ишлаб чиқиш 61

## Жамият

Бахтиёр БОРАТОВ. Тўқимачилик корхоналарида мукамаллашган модель ишлаш алгоритминини яратиш 64

## Инвестиция

Соҳибжон ТЎРАБЕКОВ. Туризм хизматларининг моҳияти ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни жадаллаштиришда тутган ўрни 67

## Ишлаб чиқариш

Собир ЮЛДОШЕВ. Нефть-газ саноатини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти 73

## Тажриба ва самара

Олимжон ЖУМАЕВ. Корхоналарда “Direct-marketing” стратегиясидан фойдаланиш 76

## Амалиёт

Жавлонбек БУТАЕВ. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳудудий кўрсаткичлари таҳлили ва натижалар 79

## Бандалик

Қудрат ДИЛМОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири 83

## Таққос

Наргиза САМАДОВА. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳияти тушунчаси ва унинг назарий асослари 87

## Мудоҳаза

Шавкат БОЛТАЕВ. “Тежамкорлик самарадорлик-манфаатдорлик-фаровонлик” моделининг тузилиши ва аҳамияти 91

# Содержание

## Управление персоналом

Тоҳир ЭРМАТОВ, Самад МАЪМУРОВ. Проблемы мотивации в управлении персоналом 95

## Информационные технологии

Алишер ФАЗИЛОВ, Маъруф КУЧИМОВ. Разработка математической модели информационной системы обработки данных 98

## Бухгалтерский учет

Абубақр МУХАМЕТОВ, Саида МАМАЖОНОВА, Олим УМАРАЛИЕВ. Учет переоценки основных средств по МСФО 103

## Окружающая среда

Нодирахон ХОДЖАЕВА, Малохат БУРИХОДЖАЕВА, Ровшан ФАЙЗИЕВ. Современное состояние системы экологического мониторинга в Республике Узбекистан 107

## Международная торговля

Наргиза УМАРОВА, Диляноза ОДИЛОВА, Камрон КАРИМОВ. Экономическая, торговая политика и будущие тенденции сотрудничества стран ВРЭП 112

## Занятость населения

Елена АХУНОВА. Экономическая сущность и демографические показатели развития домашних хозяйств в Республике Узбекистан 116

# Диагностика асосида тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш Совершенствование метода расчета уровня устойчивого развития текстильных предприятий на основе диагностики Development of methods for calculating the level of sustainable development in textile enterprises on the basis of diagnosis

Нозима ГИЯЗОВА,  
Бухоро давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси.

## Аннотация

Мақолада тўқимачилик корхоналарида бозор иқтисодиёти шароитида рақобатда устунлик асосида диагностикалаш орқали барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш услубини такомиллаштириш масалалари ўрганилган ва ушбу тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

В статье исследуются вопросы совершенствования методики расчета уровня устойчивого развития текстильных предприятий посредством диагностики на основе конкурентных преимуществ в рыночной экономике, а также разрабатываются предложения по обеспечению устойчивого развития этих текстильных предприятий.

The article examines the issues of improving the method of calculating the level of sustainable development of textile enterprises through diagnostics on the basis of competitive advantage in a market economy, and develops proposals to ensure the sustainable development of these textile enterprises.

Бозор иқтисодиётининг назорат механизми, асосан, рақобат категорияси орқали амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳозирда рақобат курашининг усули ҳам, шакли ҳам бир қадар ўзгарган бўлиб, асосий эътибор устунликка қаратилмоқда. Республикамиз иқтисодиётининг муҳим ўзак тармоқларидан бири саналган тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг асосий қисмини хорижга экспорт қилмоқда. Хорижлик истеъмолчилар эса маҳсулот сифатига ўзларининг юқори талабларини қўймоқдаларки, ушбу талабларни тўла қондиришда дастлаб мавжуд имкониятларни сарҳисоб қилиш талаб этилади. Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикада иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири саналган тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик рақобатбардош устунликларнинг корхона барқарор ривожланишига таъсирини диагностикалаш орқали рақобатда устунлиги асосида барқарор ривожланиш даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётшуникўрсатадики, корхонанинг барқарор ривожланиши кенг доирадаги омилар таъсирида шаклланади, лекин унинг асосини рақобатбардошлик

**Калит сўзлар:** саноат, корхона, диагностика, барқарор ривожланиш, интеграл кўрсаткич, баҳолаш.

ташкил этади. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар корхона барқарорлигини унинг рақобат салоҳиятидан келиб чиқиб баҳолашни таклиф этадилар [2]. Рақобат салоҳияти рақобат устунликлари асосида шаклланади. Рақобат назарияси, рақобат афзалликларини бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда М.Портернинг энг кўп асарлари келтирилган. Рақобат афзаллиги ёки рақобатбардошликка бағишланган барча адабиётларда унинг “Халқаро рақобат” китобига мурожаат қилинади. Унда М.Портер уларнинг ҳар бири ўзига хос рақобат устунлигига асосланган ғоя билан сўғорилган типик стратегиялар мажмуини таклиф этди. Компания ўзига мос рақобат устунликларидан фойдаланса ва ишлаб чиқса, танланган стратегияни амалга ошириши мумкин бўлади. Бунинг учун компания қайси рақобат устунлигини олишни ва қайси соҳада: паст харажатлар ёки маҳсулотни фарқлашни ҳал қилиши керак? [3]. Арзон нархлардаги рақобат устунлигини танлаш рақобатчига нисбатан паст нархда таққосланадиган маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш демакдир. Маҳсулотни рақобатчи баҳосида сотиш компанияга катта фойда олиш имконини беради [4].

Барқарорлик халқаро ҳужжатларда (масалан, “Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио Декларацияси” [5], “XXI аср кун тартиби” [6], шунингдек, конвенциялар ва кўп томонлама шартномалар асосида глобал аҳамиятга эга бўлган муайян масалаларни қабул қилиш каби таъсир тамойилларини ўрнатиш ва қабул қилиш доирасида тизимнинг меъёр даражасида ишлашни давом эттириш қобилиятини назарда тутади.

Биз тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг барқарор ривожланиш даражасини диагностика қилиш услубини ишлаб чиқдик. Ушбу услубга асосан, тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланиш даражаси диагностикаси куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

*Биринчи босқич* – “Саноат корхонасининг барқарор ривожланиш даражаси диагностикаси”;

*Иккинчи босқич* – “Саноат корхонасининг мавжуд рақобатбардош устунликларини аниқлаш ва баҳолаш”;

*Учинчи босқич* – “Стратегик рақобатбардош устунликларнинг саноат корхонаси барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш”.

Диагностикалаш услубиятини синондан ўтказиш учун эмпирик асос сифатида “Ўзтўқимачи-

ликсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи бир нечта тўқимачилик корхоналарини танладик.

Тадқиқот жараёнида хавф-хатар компоненти модели мезон ва кўрсаткичлар тизими асосланиб тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш усули интеграл кўрсаткични қўлаган ҳолда такомиллаштирилди. Унинг мезони сифатида тўқимачилик саноати корхонасининг ташқи ва ички муҳитининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолашдан фойдаланилади. Интеграл кўрсаткич ички ва ташқи муҳитнинг стратегик ва тактик хавф омиллари кўрсаткичларидан иборат бўлиб, (1) формула ёрдамида ҳисобланади:

$$R_x = \sqrt{T_x * C_x} \quad (1)$$

бу ерда,  $T_x$  – тўқимачилик корхонаси барқарорлигига таъсир этувчи тактик хавф омиллари кўрсаткичи;

$C_x$  – тўқимачилик корхонаси барқарорлигига таъсир этувчи стратегик хавф омиллари кўрсаткичи.

Корхона турига, фаолият соҳасига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қараб, ҳар бир корхона унинг барқарор ривожланиш даражасига экологик хавф омилларининг таъсир даражасини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткичларни аниқлайди. Хусусий ва интеграл коэффицентларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар ўрганилаётган тўқимачилик корхоналари томонидан эксперт ишининг таркибий қисми сифатида тақдим этилди.

Ҳисоб-китоблар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

**Тадқиқотда қатнашган тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини тавсифловчи умумий интеграл коэффицентнинг ҳисобланган қийматлари**

Корхоналар номланиши	Коэффициент қиймати
“ALKIM TEKSTIL” МЧЖ	0,61
“BEK MEGA TEXTILE” МЧЖ	0,31
“Crystal Color Textile” МЧЖ	0,38
“Textile Lux” МЧЖ	0,4
“BEST COLOR TEXTILE” МЧЖ	0,55
“COTTON TEXTILE” МЧЖ	0,72

*Манба:* тўқимачилик корхоналари ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, нормал барқарор ривожланиш даражаси “Cotton textile” МЧЖ учун хос бўлган. Барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий таркибий қисми барқарор иқтисодий ҳолат ҳисобланади. Иқтисодий барқарорлик даражасини баҳоловчи хусусий интеграл коэффициентнинг қиймати бошқа хусусий интеграл коэффициентлар орасида энг юқоридир.

Амалда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик рақобат устунликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

– тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг келажак эҳтиёжларини олдиндан аниқ билиш;

– қулай институционал муҳитни яратиш;

– инновация фаолиятини фаоллаштириш.

– маркетинг фаолиятини фаоллаштириш;

– етарлича жавоб бера оладиган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш;

– омилар ва меҳнат шароитларининг тез ўзгаришига ўз вақтида муносиб жавоб бера оладиган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш;

– кенг миқёсда барча соҳаларда рақамлаштириш технологиясидан самарали фойдаланиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони / [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Филобокова Л.Ю. Сущность и методические подходы к оценке рыночной устойчивости малого предпринимательства / Л.Ю. Филобокова // Аудит и финансовый анализ. 2008 г. №4. – С 223-228.

3. Петров А.Н. Стратегический менеджмент / А.Н. Петров. – СПб.: Питер, 2007 г. – 160 с.

4. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент / Р.А. Фатхутдинов. – М.: Дело, 2005 г. – С. 86-116.

5. Доклад конференции Организации Объединенных Наций по проблемам окружающей человека среды. Стокгольм, 5-16 июня 1972 года (издание Организации Объединенных Наций, в продаже под № R.73. II. A. 14), глава 1. -109 с.

6. Повестка дня на XXI век. Принята Конференцией ООН по окружающей среде и развитию. Рио-де-Жанейро, 3–14 июня 1992 года. – 101с.